ФАРИДИДДИН АТТОРНИНГ ФАЛСАФИЙ-ТЕОЛОГИК ҚАРАШЛАРИ

Т.ОРТИҚОВ, М.МАМАДАЛИЕВ

Мақолада Фаридиддин Атторнинг инсон фалсафасига оид «Жавҳар уз-зот» концепцияси моҳияти таҳлил этилган. Нафс тарбияси ва тасаввуф ахлоқидан келиб чиқиб хулосалар берилган.
Калит сўзлар: *тасаввуф, Мутлоқ руҳ, олами кубро, олами суғро.*

В статье раскрывается сущность концепции «Жавхар уз-зот» великого мыслителя Востока Фаридиддина Аттара. Отмечается существенная роль данной концепции в процессе воспитания подрастающего поколения.
Ключевые слова: *суфизм, Абсолютный дух, макрокосмос, микрокосмос.*

The author of this article analyzes the essence of the conception of the work «Javhar-uz-zot» written by a famous philosopher of the East Farid-ud-din Attor.he article stresses the importance of this work in the process of educating the younger generation.
Key words: *sufizm, absolute spirit, macrospace, microspace.*

Исломнинг тасаввуф йўналиши авлиёларидан бири, шарқ адабиётининг дарғаларидан бўлган Шайх Иброҳим Муҳаммад Фаридиддин Аттор Нишопурий фалсафаси нафақат шарқ, балки ғарб илоҳиётчи олимларини ҳам қизиқтириб келади. Ислом таълимоти олимлари эътирофича, Аллоҳнинг сифати ва таърифини ҳеч ким Атторчалик баён қилиб бера олмаган. Юртимизда Атторнинг «Мантиқ ут-тайр», «Илоҳийнома», «Тазкират ул-авлиё» каби қатор асарлари таржима қилиб чоп этилган. Шўролар даврида диний қарашлар баён этилган асарларни чоп этиш мумкин эмас эди. Туркий тилнинг нафис ва гўзаллигини ўз асарлари орқали исботлаган улуғ мутафаккир Алишер Навоий мадҳ этилар эди-ю, лекин унинг пири ва маънавий устози саналган Фаридиддин Атторни «унутишган» эди. Аттор ўта сермаҳсул шоир, сўфий олим, қомусий илоҳиётчи бўлиб, Давлатшоҳ Самарқандий «Тазкират уш-шуаро» асарида эътироф этишича, у икки юз эллик минг байт шеърий мерос қолдирган ижодкордир.

Унинг «Илоҳийнома», «Асрорнома», «Мусибатнома», «Ҳайдарнома», «Мазҳар ул-ажойиб», «Жавҳар уз-зот», «Ҳайлож», «Мухторнома», «Хусравнома», «Шарҳ ул-қалб», «Мантиқ ут-тайр», «Булбулнома», «Уштурнома» достонлари, тариқат шайхлари ҳаётининг баёни бўлган «Тазкират ул-авлиё» асари бизгача етиб келган. Аттор асарларидаги бош мақсад илоҳий ишқни, тавҳидни шеърий йўл билан баён қилишдир.

Тавҳид аҳли эътиқодига кўра, инсон вужудида тангрининг бир зарраси, яъни илоҳий жавҳар бор. Инсон ўз ҳаёти давомида бу жавҳарни поклаб, аслиятга қайтаради, деб тушунилган. Бу йўл тангрининг розилигига, унинг жамолига етказувчи ва жаннат томон етакловчи йўлдир. Инсон ўзлигини таниб, яратганни англашга бел боғламаса, мақсадга етиб бўлмайди. Ҳар бир инсон тангри заррасининг соҳибидир. Қалбда жавҳари зот бўлмаса, худо дийдоридан узоқсан. Лекин инсондаги зарра доимо инсонни худо томон етаклайди. Демак, қалбдаги жавҳар инсонга йўл бошловчи бўлиши даркор. Аттор фалсафасига кўра:

Ту дори жавҳаре аз жумла бартар,
Ба суйи жавҳари зоти ту раҳбар.
Зихи дийдори ту афлоку анжум,
Даруни дар бурун, пайдову ҳам гум.

(Яъни сенинг жавҳаринг барчаникидан афзал, шу жавҳар сен учун асл зотга олиб борадиган раҳбардир. Ажабки, фалак ва юлдузлар сенинг кўзларинг – дийдангдир, уйнинг ичидасану эшикдан ташқаридасан, ҳам кўринасан, ҳам йўқсан) [1.58]. Бобур ҳазратларининг «Йўлини топгайму киши, то раҳнамо кўрсатмагай» деган байтини эсланг. Атторда эса йўл кўрсатувчи йўқ дейилмоқда. Яъни покланиш ёки покланмасликни инсон ўзи ҳал этиши керак. Осмон, ер, ой, қуёш инсон туфайли яратилган. Эсланг, ҳадиси қудсий: «Эй, Муҳаммад (с.а.в), агар сиз бўлмаганингизда, мен оламни яратмаган бўлардим» [1.126]. Инсон олами кубронинг мухтасар нусхасидир, яъни олами суғродир. Дарҳақиқат, осмон жисмларининг барча хусусиятлари инсонда мужассам. Яратилишнинг эгаси гоҳ инсон ичида ёки ташқарисида, яъни ҳамма жойда мавжуддир, унинг қудрати гоҳ кўринади, гоҳ йўқ. Инсон ўша зотнинг зарраси экани боис қудрат-моҳият у билан бирга, лекин буни унинг ўзи сезмайди. Аттор

вужудни, моддий дунёни сурат, илоҳий қудратни эса маъно-моҳият деб тушунади. Чин ҳақиқат ёки ҳақиқий мавжудлик Мутлоқ руҳнинг ўзи, инсон эса сурат исканжасидан қутулиб Ҳаққа етишиши мумкин:

Чарс дар дарди сурат мубталойи,
Чу ту сурат фиканди – кулл – худойи.
Туро сурат нахоҳад буд ҳамроҳ,
Зи маънии худо мебоши огоҳ.
Туро сурат бакоре менаёд,
Худо дийдорат андар жон намояд.

(Нега сурат дардида мубталосан, суратни ташласанг, кулл, яъни, худосан. Сен сурат ҳамроҳлигидан қутулсанг, худонинг маъносидан хабардор бўласан. Сурат сенинг ҳеч бир ишингга ярамайди, худо дийдорини жонда (жонингда) кўрсатади) [1.59-60].

Бу Аттор фалсафасининг мағзи, тафаккурининг олий нуқтасидир. Шу боис тасаввуф аҳли ва расмий дин орасида ихтилоф келиб чиққан. Аттор инсонни илоҳийлаштирди. Боязид Бистомий ва Мансур Ҳаллож ҳам тавҳидни худди Аттор каби тавсиф этган эдилар. Таниқли тасаввуфшунос олим Н.Комилов: «Касрат олами Ваҳдатнинг беҳисоб суратлари экан. Суратнинг асл моҳияти Ваҳдат моҳиятининг давомидир» деган фикрни беради [1.60]. «Илоҳий қудрат жавҳари зот шаклларига кириб, аёнлашиб, оламларнинг хилма-хил ашёларини вужудга келтирган» [1.60]. Инсон ҳам ана шундай илоҳий суратланиш мўъжизаларидан бири: унинг моҳияти илоҳий моҳият билан баробар. Инсон моҳиятини илоҳий моҳиятдан сурат-модда ажратиб туради. Ўлим келганда, сурат бартараф бўлади-да, руҳ қолади ва аслига қайтиб, илоҳий моҳият билан бирлашиб ягоналикка айланади. Демак, инсон умри давомида аслидан айро тушган руҳ ёки мутлоқият зарраси инсонни «таъқиб» қилади. Вақти-вақти билан инсонни асли томон судрай беради. Кўпчилик тасаввуф алломалари «Султон ул-орифин» деб атаган Боязид Бистомий «Жисмимда ҳақдин ўзга ҳеч нарса қолмади. Улуғмен, улуғмен, шону-шарафга тўлиқмен» деганида [1.185], Жалолиддин Румий:

Аё сиз, жон чекиб ҳар лаҳза изларсиз илоҳийни,
Ани излашга ҳожат йўқ, илоҳий – сиз,
илоҳий – сиз, [2.47]

деган сўзларида юқоридаги ҳолатни назарда тутган эдилар. Аттор эътирофича, агар инсон руҳи замиий унсурлар, жисм қолипидан қутулса, қуш боласи тухумни ёриб чиққанидай, моддият қобиғини ёриб чиқа олса, Мутлоқ руҳга қўшилади. Мутлоқ руҳ кулл (кўплик) бўлиб, инсон руҳи эса жузь (яккалик), яъни ундан ажралган бутоқ. Жузь куллга қўшилса, яна «ваҳдат ул-вужуд» (ягоналик)га айланади.

Ислом ақидасига кўра, тангрининг нимадан иборат экани, таркибини инсон била олмайди. Зеро, саволни моддият оламидан келиб чиқиб берилишининг ўзи хатоликдир. Шундай бўлса-да, мантиқ илмига асосланиб хулоса қилса бўлади: инсон руҳи суратни тарк этгандагина мутлоқ руҳга қўшилишини эътиборда тутсак, Мутлоқ зотда моддият йўқ, у ваҳдониятдир. Яъни, ҳамма жойда у ҳозиру-нозир, барча нарсалар моҳиятининг жилосидир. У йўқ жойнинг ўзи йўқ. Унинг изни ва тасарруфидан ташқари олам йўқ. У бутун оламларни боғлайдиган, бошқарадиган, бор ва йўқ қиладиган қудратдир. У оламларни моддий олам меъморлари каби ташқарида туриб эмас, балки уларнинг ичидан туриб, ўз фазли ва карамига, иродасига кўра яратди. Барча моддий дунё ва тирик олам унинг ирода-хоҳиши меваси, ҳосиласидир. Жонзотлар олами унинг қазои қадарига, тақдирига рози ва фикр билдиришдан ожиз, инсонлар эса бундан бехабар. Аллоҳ инсонларга ушбу ҳақиқатни етказишни набийлар ва муқаддас китоблар орқали ирода этди. Инсонларнинг юқоридаги сифатлардан бехабарлиги ҳам аслида бир ҳикмат. Чунки инсонга ақл неъмати берилдики, у билан асл ҳақиқатни билсин. Илм табиати шундайки, у фақат ақл орқали инсоннинг шуури ва қалбига кириб боради. Қодир зот инсонни унинг қонига илм қуйилган ҳолатда яратиши мумкин эди. Бироқ бунда инсон билимсизликдан билимлиликга, тубанликдан комилликка кўтарилишига ҳожат қолмас эди. Аллоҳ ўзининг яратган зотлари орасидан инсонни кўпроқ севади, унга юксалишни ва ўз моҳиятини билишни вазифа қилиб қўйди. Одамлар орасидан пайғамбарлар, валийлар, авлиёларни танлади ва уларни ибрат қилиб қўйди. Агар аксинча бўлса, яъни у инсонни севмаганида, Қуръони каримда инсонни бу даражада улуғламаган бўлар эди. У ҳолда нега инсон Аллоҳни севмаслиги керак? Тангри заррасини жасадида кўтариб юрган инсон асл моҳиятни севмаслиги мумкинми? Аттор фикрига кўра, инсон то ўзлигини ва ўз илоҳини танимаса, у чин инсон эмас. У ҳолда инсон қумурсқа, парранда-даррандадай гап – туғилади, ейди, кўпаяди, ўлади.

Аттор дунёни қудуққа ўхшатади. Қудуқ исканжасидан қутулишнинг ягона йўли маънавий юксалиш, ҳикмат ва билимларни эгаллашдир. Суратдан айро тушгандан кейинги даражага кўтарилган инсонда худонинг сифатлари намоён бўлади. Ўзлигини маҳв эта олган, нафсини жиловлаган, худосифат инсон худди Боязид Бистомийга ўхшаб

«Пўстиним ичида тангридан бошқа хеч ким йўқ» дея олади [1.61]. Аттор юқоридаги ҳолатни тушунтириш учун кўза ва дарёни мисол қилади: кўза сувга тўлгунча «қулдир, қулдир» дея овоз чиқаради, тўлгач овоз ҳам тўхтайди. Биз аслимиз бўлган худога етгунча оҳ-нола қиламиз, унга етгач, оҳ-нола тўхтайди ва биз у билан бирлашиб кетамиз. Аттор дунёни қудуққа ўхшатганда, ундан ташқарига чиқмаган инсон фақатгина қудуқ ташвишлари билан яшашини назарда тутади.

Руҳнинг тез-тез жасаддан ташқарига сайр қилиб туриши авлиёларга хос сифатдир. Инсонларнинг туш кўришларида ҳам бу нарса бот-бот номоён бўлади. Сўфий шоир Бобо Тоҳир: «Тасаввуф – ўлими йўқ ҳаёт, ҳаёти йўқ ўлимдир» деган эди [3.133]. Яъни сўфийлик нафсоний ҳаётда ўлмоқлик ва руҳоний ҳаётда яшамоқдир.

Аҳмад Яссавий ҳазратлари бу масалада қуйидаги байтни битган эди:

Золим нафсим ҳеч қўймайин ўтга солди,
Нафсдин кечиб чин ошиқлар Аллоҳ деди.

Нақшбанд эса: «Нафси худро ба бадий шинохтан-худшинохтан аст» дейди, яъни, ўз нафсингни ёмонлигини таниш ўзлигингни танишдир. Шундай қилиб, энг буюк жасорат нафсни енгмоқлик экан. Шундай жасорат соҳиби, тожу тахтни тарк қилиб, дарвеш бўлиб яшаган Иброҳим Адҳамни тасаввуф аҳли «шоири мардон» деб атади. Ибн Арабий таъбирига кўра «Тасаввуф ёмон ахлоқдан пархез қилиш орқали ахлоқий сифатлар нурига етишдир» [3.142]. Тасаввуфни бир бутун ахлоқ дейиш мумкин. Сўфий инсон нур ва покликка интилади. Шундай қилиб, тасаввуф нафсда ўлмоқ, илоҳиётда тирилмоқликдир. Нафсини тарбия қила олган инсон жамият учун фойдали, инсофли ва диёнатли инсондир.

Фаридиддин Аттор ўз асарлари орқали асрлар оша покиза ахлоқ ва нафс тарбиясини, тангрисеварликни тарғиб қилиб келмоқда. Комил инсон, баркамол авлод тарбиясида тасаввуф ғоялари, хусусан, Фаридиддин Аттор қарашларининг алоҳида ўрни борлиги шубҳасиз.

Адабиётлар:

1. Комилов Н. Тасаввуф. Иккинчи китоб. Тавҳид асрори. – Т.: Ўзбекистон, 1999.
2. Фиш Р. Жалолиддин Румий. – Т., Адабиёт ва санъат нашриёти, 1986.
3. Фаридиддин Аттор. Илоҳийнома. – Т.: Ёзувчи, 1994.

Андижон давлат университети
2013 йил 10 декабрда қабул қилинган
(Тақризчи: ф.ф.н. Ф.Йўлдошева)